

4297460 СОН

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

T. M. 0001

Самарканд ш.

2022 йил "19" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "18" октябрдаги 27-01-14/5073-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Ўзбектелеком" АК Самарканд филиали директори Эшназаров Нодирбек Тиркашевич (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ОБЛ КАРДИОЛОГИЧЕСКИЙ ДИСПАНСЕР номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Саидов М. А. (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни ҳисобга олган ҳолда) 163500 (бир олтмиш уч эсе) суммида Абонент тўловини ҳамда 54520 (Олтмиш тўрт эсе) миқдоридаги бир-марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақаминда хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаган Ҳузбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (То нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчилик Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ҳузбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибидан килинган ҳолда Ҳузро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни Ҳузро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда низолар Ҳузбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ҳузбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, Ҳузро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ҳузбекистон Республикаси конун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга қиради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлмаган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тузилган Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Манзил: 140103, г.Самарқанд, ул.М.Улугбека,92 Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838397; СТИР:203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: (66) 240-0011, (66) 234-7574, (66) 234-7553; E-mail: samtel@uztelecom.uz;	РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИ-АМАЛИ ТИББИЙ МАРКАЗИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ Манзил: 140100 Самарқанд вилояти, Самарқанд М.Улугбек д.144 Банк маълумотлари: х/р: 14010021860184017073201054007 СТИР: Марказий банк Тошкент ББҲҚКМ МФО:00014 Банк номи: Тел: 91513 E-mail: МУЖОХИД: 91513
Оператор номидан: <u>Эшназаров Н.Т.(Ф.И.Ш)</u> Имзо: _____ М.У. _____	Абонент номидан: _____ Имзо: _____ М.У. _____



Сайфобов

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги -Миллий валюта(сўм)

т/р	Хизматларноми	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдор и	Ой (сон и)	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5		6
I. Бирмаргалик тўловлар						
1.1	Битта (шаҳар, туман) ракамидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов)		125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади			
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари						
2.1	Бир ойлик абонент тўлови“Оддий”тариф режаси (180 минут, лимитдан ортик сўзлашув 12 сўмдан)662340403, 662340681, 662340864, 662341970, 662343172, 662343632, 662348712	6 900,00	125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади	7	12	579 600,00
2.2	Кушимча хизмат турлари (телеграф, <u>факс, АОН, параллель</u> , прямой провод,пароль, соед.линия,переадр., охран.сигн. ва х.к.)	6 220,00	125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади		12	74 640,00
2.3	Лимитдан ортик сўзлашув (ўртача)		125-1/7-сонли нархномага мувофиқ амалга оширилади			
	Жами (олдиндан тўлов)					

Жами олдиндан тўлов микдори 100% _____) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдоридан.

Шартноманинг умумий микдори 163560 (бир юз олти минг уч юз алтмиш сўмни ташкил этади. Ундан **54 520,00** (эллик тўрт минг беш юз йигирма) сўм микдоридан ойлик абонент тўлови ҳамда _____,00 (_____) сўм бир мартабалик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортикча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АК
Самарканд филиали

АБОНЕНТ:

Оператор номидан:

Директор _____/Эшназаров Н.Т./
имзо
м.у.

Абонент номидан:

имзо
м.у.

